

АЛИЖОН ЗОҲИДИЙ

ЗАМОНАВИЙ МЕДИЦИНА
ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИ
НУҚТАИ-НАЗАРИДАН

БОШ ОҒРИҒИ

илмий-амалий қўлланма



АЛИЖОН ЗОҲИДИЙ

ЗАМОНАВИЙ МЕДИЦИНА
ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИ
НУҚТАИ-НАЗАРИДАН

БОШ ОҒРИҒИ

илмий-амалий қўлланма

«CHASHMA PRINT»

Тошкент–2012

**Тошкент Тиббиёт Академияси
АЛИЖОН ЗОҲИДИЙ**

**Замонавий медицина ва халқ таботати нуқтайи-назаридан;
бош оғриғи**

Илмий-оммабоп рисола

Т а қ р и з ч и л а р:

**Бахтиёр Дўсчонбоевич
БОБОЖОНОВ**

– Тошкент Тиббиёт Академияси
Умумий хирургия, хирургик
касалликлар ва болалар
хирургияси кафедраси мудири,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор, Республика қандли
диабет ва унинг хирургик
асоратлари Илмий-амалий
маркази директори, профессор

**Нусрат Эгамович
ЭГАМОВ**

– Тошкент Тиббиёт Академияси
Госпитал хирургия, кафедраси
профессори, тиббиёт фанлари
доктори

ISBN 978–9943-_____

© Алижон Зоҳидий, 2012

© «Chashma Print» нашриёти, 2012

**Тошкент Тиббиёт Академияси доценти, тиббиёт
фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Фақиров Алижон
Зоҳидовичнинг «Замонавий медицина ва халқ
табобати нуқтайи назаридан; бош оғриғи» номли
илмий-оммабоп рисоласига
тақриз**

Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг берган маълумотларига қараганда бугунги кунда 300 дан ортиқ касалликлар бош оғриғи, бош айланиши, бош соҳасидаги нохуш сезгилар ва оғирликлар билан асоратланади. Ер шари аҳолисининг ҳаммасида маълум бир шароит тақозоси билан бош соҳасида оғриқ ҳислари пайдо бўлади, аҳолининг 8–12% қисмида эса бош оғриғи сурункали тус олади.

Бош оғриғи, бош соҳасидаги оғирликлар ва бош айланишига олиб келадиган муҳит шароитлари ҳам мавжуд, буларга об-ҳавонинг кескин исиб, ёки аксинча совиб кетиши, атмосфера босимининг кескин ўзгариши, циклонлар ва антициклонлар, қуёш фаоллигининг қўққисдан ўзгариши, радиация, юқори электр ва элктромагнит кучланишлари, рентген нурлари, кимёвий моддалардан заҳарланиш, организмга микроорганизмлар, замбуруғлар ва вирусларнинг тушиши оқибатида йирингли-яллиғланишли жараёнларнинг тараққий қилиши, турли-туман аллергик ҳолатлар, ўринсиз ва тез-тез асабийлашишлар киради. Шу билан бирга ҳаддан ташқари тўйиб, ёки очиқиб кетиш, жигар, буйрак, ичаклар, ўпкалар фаолиятларининг бузилиши оқибатида юзага келадиган ички заҳарланиш ҳолатлари, ички секреция безлари фаолиятининг кескин бузилиши (бўқоқ, қандли диабет, гипофизар нанизм, гигантизм, Аддисон касаллиги), овқатдан заҳарланиш ҳоллари ҳам бошнинг

турли даражадаги оғриқлари ва бош оғирлашишларига олиб келади. Айниқса, сўнгги йилларда етти ёшдан етмиш ёшгача аҳоли уяли алоқа воситаларидан узоқ фойдаланишлари, ҳатто ухлаганда ҳам ўчирмасдан ёстиғи тагига қўйиб ётишлари ҳоллари бош мия тўқималарига юқори электромагнит кучланишлари билан таъсир кўрсатиб, сурункали бош оғриғи, хотира бузилиши, бош айлашиши ва ўринсиз асабийлашишга мубтало бўлганларнинг сонини кескин кўпайишига олиб келмоқда. Бундан ташқари мактаб ёшидаги болалар компьютер экранлари олдида узоқ муддат ўтиришлари оқибатида ҳам аксарияти сурункали бош оғриғига мубтало бўлганлар. Таассуфки, бундай беморларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Санитария-гигиена шароити қишлоқ жойларга нисбатан анча юқори бўлган шаҳарларда ҳам гижжа билан зарарланиш ҳоллари нисбатан кўп учрамоқда, бунинг оқибатида беморларда иммун танқислиги, камқонлик аллергик ҳолатлар, бош оғриғи, бош айланиши, хотиранинг сусайиши ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Замонавий одам бундан юз йил муқаддам умргузаронлик қилган одамларга нисбатан анча камҳаракат ва ортиқча вазнга эга. Табиийки, камҳаракатлик барча дардларнинг дебчаси бўлиб, унинг оқибатида бутун организмнинг заифлашиши, аъзо ва тизимлар фаолиятининг сусайиши, қон қуюқлашиши, қон босимининг ошиши, қон томирлар деворларида атеросклеротик ўзгаришларнинг юзага келиши, ич қотишига олиб келади. Танадаги ортиқча вазн ва баднафслик эса қон босимининг ошишига, қандли диабетларга, бош мияда қон айланишининг ёмонлашишига олиб келади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда танада 5 кг гача бўлган ортиқча

вазн умрни 5–8 йилгача, 20 кг дан ортиғи эса 18–24 йилгача қисқартириб юборар экан! Муаммонинг энг долзарб жиҳати шундаки, бундай одамларнинг аксариятида бош мия ва орқа миянинг меъёрий фаолиятларига путур етади, сурункали бош оғриши, бош соҳасида қизиш, бош айланиши, кўнгил айнаши каби умумий аломатлар пайдо бўлади.

Бугунги кунда инсонга ахборот оқимлари жуда кўп бўлиб, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар, табобатга ва замонавий медицина муаммоларига оид адабиётлар, китоблар, рисоалар кўплаб чоп этилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокмпанияси томонидан кўплаб саломатлик ва уни муҳофаза қилиш борасида кўрсатувлар, эшиттиришлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга интернет тармоқлари орқали ҳам инсон ўзи учун зарур бўлган тиббий маълумотларни етарлича ўрганиши, зарурият туғилганида эса уларни ҳатто шахсий кутубхонаси учун кўчириб олишга имконияти бор. Бир сўз билан айтганда, яшаш сифатини яхшилаш учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Аммо, мана шундай кўп информациялар оқими орасида бош оғриғи борасида замонавий медицина, халқ табobati ва диний тиббиётни ўзаро уйғунлаштириб олган, олимга ҳам, деҳқонга ҳам бирдай дастуриламал бўла оладиган, содда, аммо ўқимишли тил билан бирорта адабиёт ёзилмаган. Мавжуд адабиётлар эса муаммони фақат бир томонини қамраб олган, ўқувчи учун тушунарсиз, зерикарли ва анчайин ғализ битилган адабиётлардир.

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Республика Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Фақиров Алижон Зоҳидович (Алижон Зоҳидий) узоқ йиллар мобайнида Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти нейрохирургия кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаб, оғир беморларнинг операциясида иштирок этган ва талабаларга

тиббиётнинг бу мураккаб жабҳасидан сабоқ берган. Шу боисдан ҳам бош миянинг анатомия, физиологияси, унинг хирургик ва нохирургик касалликлари, уларни сабаби, ўзаро фарқлари, консерватив ва оператив давоси бўйича етарлича тажрибага эга. Бундан ташқари муаллиф Республика халқ таъбири Академияси аъзоси сифатида халқ ва Шарқ таъбири асосларини чуқур билади, ва бугунги кунда республикамизда ўсаётган доривор ўсимликларнинг қўлланилиши, уларнинг даво механизмлари, уларни қўллашга қарши кўрсатмалар ва кўрсатмалар борасида кўпгина илмий изланишлар қилган. Бундан ташқари муаллиф замонавий медицинанинг кўпгина жабҳаларига оид 30 дан ортиқ ихтироларга муаллифлик гувоҳномасини олган, тиббиётнинг турли жабҳаларига оид 30 дан ортиқ китоблар ёзган, 40 га яқин рационализаторлик таклифи киритган, ўз устида изланувчи шахсдир. Муаллиф муқаддас динимиз тарихи, бугунги кунини ва истиқболларидан бохабар инсон сифатида муаммо ечимига диний нуқтайи-назар билан ҳам ёндошган.

Муаллиф ушбу рисолада бош оғриғининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг ривожланиши механизмлари, клиник жиҳатдан намоён бўлиши, бир-биридан ўзаро фарқлари, консерватив ва оператив даволари замонавий медицина ва халқ таъбири нуқтайи-назаридан теран таҳлил қилинган. Муаллиф ўзининг 25 йиллик шифокорлик амалиётидан келиб чиққан ҳолда доривор ўтлар, яшаш тарзини ўзгартириш, ҳар бир конкрет ҳолда парҳез, даво бадантарбияси, сув билан даволаниш, сауналарнинг фойдаси борасида содда, ўқимишли тил билан баён қилган. Муаллиф ушбу рисола битишда фақатгина ўзининг тиббий билимларини эмас, балки ёзувчилик иқтидори ва лаёқатларини ҳам ишга солиб, ўқувчини мураккаб статистик кўрсаткичлар билан

зериктириб қўймасликнинг ҳам корини қилган, тегишли ўринларда тарихий далил ва ашёлар, зарурати келганида ичакузди латифалардан қўшиб, рисоланнинг ўқилувчанлик даражасини оширган. Шу билан бирга муаллиф бугунги кунда тиббиётда ечимини топмаган айрим жабҳалар хусусида ҳам холисона фикр юритган, уларни ечими хусусида дадил ва оригинал фикрларни майдонга ташлаган.

Ушбу рисоланнинг кўп минг нусхада, агар иложи бўлса кирилл ҳамда лотин имлоларида чоп этилиши республикамиз фуқароларининг соғлиқларини муҳофаза қилишда қўйилган катта қадам бўлади деб ишонч билдираман. Зеро, давлатимиз медицинаси залворли қадамлар ташлаб, жаҳон андозаларига тенглашаётган бугунги шиддатли даврда бундай китобларнинг чоп этилиши ватанимизда саломатлик аталмиш улкан неъматнинг қадрига нечоғлиқ эътибор берилаётганлигини билдиради.

Мен тақризчи сифатида ушбу рисола синчиклаб, катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим ва ўзим учун ҳар керакли анча маълумотларни олишга муваффақ бўлдим.

Яхши китоб Сизга муборакбод бўлсин, азиз китобхон!

Тақризчи:

Тиббиёт фанлари доктори, Тошкент Тиббиёт Академияси Умумий хирургия, хирургик касалликлар ва болалар хирургияси кафедраси мудир, Республика Қандли диабет ва унинг хирургик асоратлари Илмий-Амалий Маркази директори

Профессор Бахтиёр Дусчанбаевич БОБОЖОНОВ

КИРИШ

«Аллоҳдан авфни, офиятни ва мустақкам соғлиқни сўранглар. Ҳеч бир кимсага яқийндан кейин мустақкам соғлиқчалик яхши нарса берилмагандир» имом Насайй Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифлардан.

Бош оғриғи... Дунёда бундай ёқимсиз, азобли, оғир, айрим ҳолларда эса чидаб бўлмас ҳис-туйғуни ўзидан ўтказмаган бирорта бахтли одам бормикан? Илмий изланишлардан маълум бўлишича, жаҳоннинг турли мамлакатларида аҳолининг 50 дан 90% гача қисми бош оғриғидан азоб чекади. Менинг фикримча фақат мурданинггина боши оғримайди, холос. Агар бирорта танишингиз, ёки мижозингиз «бошим умуман оғримайди» деб сиз муҳтарамни ишонтирмоқчи бўлса, бунда фақат иккитагина вариант бўлиши мумкин:

1. У ўтакетган ёлғончи ва муғамбир.

2. Ундаги бош эмас, балки аллақандай бошқа бир нарса (айтайлик қовоқ, ёки хум ва ҳа казо).

Ислонда сиҳат-саломатлик, тан сиҳатлик Аллоҳ таолонинг бандаларига берган энг улкан неъматларидан бири ҳисобланади. Агар соғлиқ неъматини бўлмаса жаҳоннинг қолган барча неъматлари ва лаззатлари кишига татимайди. Баъзида инсон бутун бойлигини сарфлаб ҳам тани сиҳатликни топа олмайди.

Соғлиқ-саломатлик неъматини муҳим бўлгани учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам

умматларига ўша улуғ неъматни доимо Аллоҳ таолонинг ўзидан сўраб туришни амр этганлар.

Бугунги кунда тиббиётда 100 000 дан ортиқ симптомлар (аломатлар) маълум бўлиб, бош оғриғи ана шу аломатлар орасида энг кўп учраб турадиганидир. Бугунги кун медицинасига маълум бўлган 10 000 дан ортиқ касалликларнинг 3 000 дан ортиғи, яъни 30% қисми бошнинг у, ёки бу даражадаги оғриқларига сабаб бўлади. Бош оғриғи Одам Алайҳиссаломнинг замонасидан рўзи-махшаргача инсониятни қийнаб келадиган нохуш аломатлардан биттасидир. Ўзининг қадимийлиги билан у ҳатто Инжилга ҳам киритилган. Исо Масеҳ бош оғриғига мубтало бўлган бир қанча одамларни бошларини силаш билан даволаганликлари Инжил саҳифаларида келтириб ўтилган. Бошқа манбаларда эса бундан 4500 йиллар чамаси муқаддам, яъни Иброҳим Алайҳиссаломнинг замонасида яшаб ўтган, бутун оламга подшолик қилган фиръавн Намруд ҳам бош оғриғи хуружларидан азоб чеккан. Шуниндек, муҳтарам пайғамбаримиз Расулulloҳ солиаллоҳу алайҳи васалламни ҳам вақти-вақти билан шақиқа(мигрень) безовта қилиб турган, бундай пайтлари ул зот қон олдирганлар.

Бош оғриғи ўзининг намоён бўлиши даражалари билан фарқланади. Буни фақат олимларгина эмас, балки беморларнинг ўзлари ҳам аниқ тафовут қиладилар. Бир мизож ўзининг бу ҳолатини шундай баён қилган эди; «Менинг бошим турли сабабларга кўра оғрийдим, уларнинг сабабларини ўзим яққол пайқайман. Ҳароратим кўтарилганида, қон босимим ошганда, мигрен (шақиқа) хуружи пайтидаги бош оғриқларим бир-биридан катта фарқ қилади». Мана шу далилнинг ўзи ҳам бош оғриғининг сабаблари, ривожланиш механизмлари ва намоён бўлишининг турлича эканлигини кўрсатиб беради.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2462> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2462> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2462>